

Сийрат дарслари (73-дарс). Набий алайҳиссалом пешинда «Вал-Лайли иза яғша»ни қироат қилар эдилар



13:40 / 21.02.2020 5915

330. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешинда «*Вал-Лайли иза яғша*»ни қироат қилар эдилар. Асрда ҳам шунга ўхшаш қироат қилар эдилар. Бомдодда эса, ундан узун қироат қилар эдилар».

Муслим ривоят қилган.

331. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон намозида «*Ваш-Шамси ваз-зуҳаҳа*»ни ва шунга ўхшаш сураларни қироат қилар эдилар».

Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

332. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саждалари, икки сажда орасида (ўтиришлари) ва рукуъдан (бош) кўтарганлари – тик туриш ва ўтиришдан бошқаси – деярли бир-бирига яқин эди».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан